
Ўзбекистон тумани ҳокими Шерзоджон Юлдашевнинг 1
октябрь-Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан байрам
табриги

Азиз устозлар! Қадрли ўқитувчи ва мураббийлар!

Сиз азизларни, устоз деган улуғ номни шарафлаб келаётган касб эгаларини
умумхалқ байрами - Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий
муборакбод этаман.

Бугунги қутлуғ айёмда биринчи навбатда кўз ўнгимизда қадрдон мактабимиз,
бизга ҳарф ўргатиб, эзгуликдан сабоқ берган меҳрибон муаллимларимиз намоён
бўлади. Барчамиз учун ибрат мактаби, юксак инсоний фазилатлар тимсоли
бўлган, Сиз каби азиз ва мўътабар зотлар шаънига энг гўзал сўзларимиз, эзгу
тилакларимизни ҳар қанча изҳор этсак арзийди.

Барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, олийжаноб ва масъулиятли
фаолиятингизда куч-файрат, ютуқ ва омадлар ҳамиша ёр бўлишини истаб,
хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Сизларга чуқур эҳтиром билан,

Шерзоджон Юлдашев,

Ўзбекистон тумани ҳокими

2023-09-30 17:33:23